



Ishonch

Биринчи навбатда иқтисодийнинг мафкурадан холи бўлиши, иқтисодийнинг сивасдан устулигида ўз ифодасини топган прагматик иқтисодий сивас, давлатнинг бош ишловчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сивас олиб бориш, ишловларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш каби тамойиллар айниқса дунёда авж олиб бораётган молиявий ва иқтисодий инқироз шароитида ўзининг долзарблиги ва ҳаётлигини яна бир бор кўрсатмоқда.

Ислом **КАРИМОВ**

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг ўн тўртинчи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 27 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги ўн тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори М.Субановнинг ШХТ МАТТ Кенгаши қарорлари ижросининг бориши ҳақидаги ахбороти тингланди. ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2008 йилдаги фаолиятига доир ҳисоботи лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия қўмитасининг ўтган даврдаги

фаолияти кўриб чиқилиб, ШХТга аъзо давлатларда «уч ёвуз куч»га қарши кураш ижобий натижалар бергани қайд этилди. Бундай натижаларга эришишда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури кенг имконият яратди. Таъкидландики, ШХТ МАТТнинг режалашти-

рилган тадбирларни амалга ошириш борасидаги фаолияти терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавф-хатарларни бартараф этиш имкониятини беради.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури лойиҳаси маъқулланди. У томонларнинг тақдирларини ҳамда ШХТ доирасида янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши кураш масалаларидаги ҳамкорлик ривожининг суръатини

инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Шунингдек, 2009 йилга мўлжалланган тадбирларни амалга ошириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

Кенгаш ташкилий ишлар ва кадрларга, ШХТ МАТТ Ижроия қўмитаси фаолиятининг молиявий таъминоти ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашдаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан бир қатор қарорлар қабул қилди.

Кенгаш мажлиси ишчанлик ва амалий мулоқот руҳида ўтди.

Ойнинг кун янгиликлари

Қарши шаҳридаги яққа тадбиркор Хуршид Рауфов оддий полиэтилендан истеъмолчиларга 80 турдан ортиқ тайёр маҳсулотлар тақдим этмоқда. Айни пайтда тадбиркор цехида полиэтилен плёнкаси ва пакетлардан ташқари, диаметри 16 миллиметрдан 450 миллиметргача бўлган қувурлар ҳамда турли хил идишлар тайёрланапти.

Излаган имкон топар

«Ташаббус-2009» кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб бўлдим, — дейди Хуршид Рауфов биз билан суҳбатда. — Эндиликда шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари учун мўлжалланган турли ҳажмдаги суғориш тизимларини яратиш устида иш олиб бораёلمиз.

Келгусида томчилатиб суғориш ускуналари яратишга аҳд қилган тадбиркор ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ниятида.

И. ИСОМИДИНОВ

Бахт шаҳридаги «Бахтмоян» хусусий корхонаси ўтган йили ташкил этилган эди. Аммо шунга қарамай у ўзини тиклаб олди.

Харидоргир

Қадоқланган сифатли ёғ, кунжара, шөлүха, шрот ва омухта ем каби маҳсулотлар пешма-пеш ўз харидорини топмоқда. Бунда корхона замон талабига мос хорижий технологиялар билан жиҳозланганлиги асосомда. Жумладан, экстракция цехига қиймати 220 минг, рафинация цехига 135 миллион, қадоқлаш цехига 48 миллион сўмлик, лаборатория цехига эса Германиядан келтирилган 5 миллион сўмлик замонавий ускуналар ўрнатилди. Корхонада 90 нафар ишчи уч сменада самарали фаолият кўрсатапти. Мехнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ва дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб беришга катта эътибор қаратилапти.

Н. АНОРОВ

Бугунги кунда қишлоқ фуқаролар йиғини ишини янада яхшилаш, такомиллаштириш учун уларни замонавий техникалар билан жиҳозлашни даврининг ўзи тақозо этмоқда.

Маҳалла компьютерлаштирилмоқда

Ўтган ва жорий йилнинг январ ойи мобайнида Сурхондарё вилоятидаги 120 та қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда 18 та маҳалла фуқаролар йиғинларига 171,6 миллион сўмлик 138 та компьютер ўрнатилди. «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими қошида ташкил этилган «Евро металл мебел» хусусий корхонаси 106 та маҳалла фуқаролар йиғинига 566 миллион сўмлик мебел ва идора жиҳозлари олиб берди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни замонавий идора ва мебел жиҳозлари билан таъминлаш ишлари давом эттирилмоқда.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Марғилон шаҳридаги «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонаси томонидан қишлоқ тарихини ва фаровонлигини йили муносабати билан махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, қўшни Охунбоев туманининг Қултепа, Қорақамиш қишлоқларида «Матбуот» дўкони очилди.

Зиёкорлар ютуғи

— Зиёкорлар жамоаси туман марказлари, қишлоқларни янада ободонлаштириш ва кўкalamзорлаштириш ишларини жорий йилда ҳам давом эттиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — дейди бўлим бошлиғи Башоратхон Жалилова. — Айни пайтда шаҳарда 20 та матбуот дўкони аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Қурилиш ташкилоти билан тузилган шартномага асосан, тармоқдаги мавжуд дўконлар сифатли ҳамда замонавий ҳолга келтирилди.

М. МАХМУДОВ

«Ташаббус-2009» республика танловининг Андижон вилоят босқичида голиблар аниқланди.

Голиблар аниқланди

Танловда намойиш этилган маҳсулотлар вилоятда кейинги йилларда тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, фермерчилик учун қўлай шароитлар яратилганидан далолат беради. Танловда «Энг яхши хўнараманд», «Энг яхши фермер», «Энг яхши тадбиркор» йўналишларида олий ўринлар Олтинқўл туманидаги мийлик кўгирчоқбозлик устаси Сайёрахон Жўраевага, Избоскан туманидаги «Избоскан асали» фермер хўжалиғига, Хўжаобод туманидаги «Барчиной» хусусий корхонасига насиб этди.

Ўз мухбиримиз

Поп тумани Тўда қишлоғидаги Янгибод маҳалласи аҳолисининг орауси ушалди.

Орзу ушалди

Туман «Кимётаъминот» ҳиссадорлик жамияти маблағи эвазига маҳаллага 630 метр узунликдаги полиэтилен қувурлар тортилди, тоза ичимлик суви олиб келинди.

Обиджон ЖУНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

Маҳсулот сифати яхшиланмоқда

«Uzsalaman» кўшма корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми жадал ўсиб, маҳсулот асортименти кенгайиб бораётир.



Кўшма корхонанинг асосий вазифаси ички бозорни сифатли маҳсулот билан таъминлашдан иборатдир.

Кўшма корхона қошида фирма дўкони фаолият кўрсатмоқда. Шундай дўкон Қарши шаҳрида ҳам очилган. Мамлакатимизнинг йирик шаҳарларида савдо тармоқларини кенгайтириш чора-тадбирлари кўриломоқда. Олмалик ва Навоий тоғ-кон металлургия комбинатларига маҳсулот етказиб бериш бўйича ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Суратларда: ишлаб чиқариш устаси Кимё Усмонова ва мутахассис Мукаррам Орипова корхона кўрғазма залида; корхона ишчиси Шохид Абдукаримова иш устида.

Муқимжон ҚОДИРОВ (Ўза) олган суратлар



Бандлик

Прагматик иқтисодий сиёсат самараси

АНДИЖОН

Избоскан туманидаги Бандлик кўмаклашувчи марказга 2008 йил мобайнида 2679 нафар фуқаро мурожаат этган. Уларнинг 2399 нафари иш билан таъминланиб, 101 кишига эса ишсизлик мақоми белгиланиб, нафақа таъинланган. Жорий йилнинг ўтган икки ойи давомида касаначилик билан шугулланувчилар сонини яна 45 тага кўпайди.

«Тагустекстил» Ўзбекистон-Британия кўшма корхонаси, «Элга хизмат» масъулияти чекланган жамияти, «Юлдуз» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ва чорвачилик цехларида касаначилар хизматидан унумли фойдаланилмоқда. Биргина «Тагустекстил» кўшма корхонасида 800 нафар аёл меҳнат қилади. Ушбу жамоада кўйлаб касаначилар меҳнати эвазига турли махсус кийим-кечак, кол ва бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Қорамол боқиб ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш бўйича 1250 нафар фуқародан аризалар келиб тушган. Шундан 701 нафари янги меҳнат дастурлари учун 81 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилди. Хуллас, избосканликлар «Излаган имкон топар» деган хикматга амал қилиб, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини ошириш бўйича турли дастурларга асосан иш олиб бормоқдалар.

Абдулҳал ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ФАРФОНА

Марғилон шаҳар марказидаги Тарих музейи биноси олдига «Меҳнат — инсонни безайди» шiori остида шаҳар ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, «Маҳалла» шаҳар хайрия жамғармаси бўлими ва шаҳар бандлик кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан уюштирилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирда 52 та корхона ва ташкилот 405 та янги иш ўринлари билан иштирок этди.

— 2-3 йилдан буён уйда эдим, — дейди Марварид Орипова. — Бугун ярмаркада 6-синавий поликлиникасига ҳамшира бўлиб ишга жойлашдим.

— Бу галги Навруз байрами менга омад олиб келди, — деб сўзбатта қўшилди Дилшод Бахромов. — Энди «Дўстлик» Ўзбекистон-Россия кўшма корхонасида дурдодорлик қиладиган бўлдим.

Бундай қувончли дил сўзларини электр тармоғига ишга қабул қилинган Аҳдам Хасанов, трактор таъмирлаш заводига жойлашган Умид Хошимов, 6-кўшма механизациялашган колоннага ишга кирган Тўлқин Мирқосимов каби ўнлаб фуқаролардан эшитдик.

Бандлик кўмаклашувчи марказ томонидан 93 нафар фуқаролар иш ахтарувчи сифатида рўйхатга олинди. Рўйхатга олинганларнинг 79 нафарига шу жойнинг ўзида иқтисодийнинг турли соҳаларига йўланмалар берилиб, иш билан таъминланди. 24 нафар фуқарога меҳнат қонунчилиги бўйича мутахассислар томонидан ҳуқуқий хизмат кўрсатилди.

Муҳаммаджон МАХМУДОВ

СИРДАРЁ

Ўзбекистон Миллий тикланиш Демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши ижроия қўмитаси вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорликда Гулистон шаҳрида бўш иш ўринлари ярмаркасини ўтказди.

Унда вилоятдаги 210 та корхона ва ташкилот 1130 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Ярмаркада иш билан таъминланган қишлоқ ёшларининг 86 нафари олий ўқув юрти битирувчилари, 250 нафари касб-хўнара коллежи талабалари, 292 нафари ишсиз юрган ёшлар, 13 нафари Куролли кўчалардан захирага бўшатилган собиқ ҳарбий хизматчилардир.

Тадбир давомида 1050 нафар иш кидирувчига малакали ҳуқуқшунослар томонидан меҳнат қонунчилиги, ижтимоий ҳимоялаш тамойиллари, хорижга ишга юбориш борасида йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ, «Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

ҚАШҚАДАРЁ

Қарши шаҳридаги болалар маданият ва истироҳат боғида «Қишлоқ тарихини ва фаровонлиги йили» Давлат дастури асосида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Шаҳар бандлик кўмаклашувчи маркази директори Х. Болтаевнинг таъкидлашича, ярмаркада шаҳар ҳудудидаги 172 та корхона ва ташкилотлар 1870 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Меҳнат бозоридан катнашган 440 нафар фуқаронинг 275 нафари иш билан таъминланди. Шундан 118 нафарини хотин-қизлар ташкил этди. Бир гуруҳ ёшлар эса касба тайёрлаш курсларига йўналтирилди.

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшмалари ҳаётидан

Бухоро Меҳнат муҳофазасига бағишланди

Ўзбекистон автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Бухоро вилоят вакилликнинг навбатдаги ўқув-семинари «Бухороавтоўл» худудий йўл қуриш ташкилотидида ўлиб ўтди. Унда автотранспорт ва йўл корхоналари бош муҳандислари, меҳнат муҳофазаси бўйича масъул ходимлар, тармоқ касаба уюшма кўмиталари раислари иштирок этдилар.

Ўқув семинарда меҳнат муҳофазаси бўйича Бухоро вилоятида олиб борилаётган ишлар хусусида маълумот берилиб, «Меҳнат муҳофазаси тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида меҳнат жамоаларида ишни ташкил этиш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, жамоа шартномасига илова қилинган иш берувчи ва касаба уюшма кўмитаси ҳамкорлигида имзоланган Битимда акс эттирилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳар томонлама фикр алмашилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Сурхондарё

Барака кирди

Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳр-муруватга муҳтож, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келаётди. Қадимий, миллий байрамимиз «Наврўз» муносабати билан ўттиз оилга бепул қорамол тарқатишди. Бу эзгу ишга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳомийлик қилди.

— Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланишида рамзий маъно бор, — дейди Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси А.Аҳмедов. — Бу йил муҳал ҳисобида сигир йилига тўғри келяпти. Шуларни назарда тутиб, эҳтиёжманд оилаларга сигир олиб беришимиз, Қумқўрғондаги «Азқарсой» маҳалласи фуқароси Ж. Мамараҳимова, «Хўжақишлоқ» маҳалласи фуқароси Р. Йўлдошева, Жарқўрғондаги «Янги қишлоқ» маҳалласида яшовчи Г. Ғуруҳ ноғирони Г. Мамадалиева, Термиз туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласидан Н. Очилов, «Халқобод» маҳалласидан Шопўлат Каримов ҳам бу ёрдандан баҳраманд бўлишди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Навоий

Соғлом танда — соғ ақл

Нурота туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма кўмитаси педагог ходимлар ўртасида «Соғлом танда — соғ ақл» ширин остида шахмат мусобақаси ўтказди. Унда тумандаги умумтаълим мактаблари жамоалари катнашдилар.

Ўқитувчилар орасида 6-мактаб муаллимиси Дилрабо Ҳамроева, ўқувчи қизлар ўртасида эса 1-мактаб ўқувчиси Баҳора Жабборовога голиблик насиб этди. Барча иштирокчиларга туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Қаҳҳор РАҲМОНОВ

Кун тартибиди

Бошланғич ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти кенгашида шахар, туман ва бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг ролини ошириш ва тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларга бағишланган ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Х. Фахриддинов ва мутахассислар туман, шахар ва барча бошланғич ташкилотларда касаба уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, аъзоларининг ижтимоий муҳофазаси, молиявий фаолиятини юритиш юзасидан тўлақонли тушунча бердилар.

Семинар қизқарлик савол-жавобларга улашиб кетди. Эндиликда бундай кенг қамровли ўқув-семинар туман, шахарлар таркибидида бошланғич касаба уюшма кўмиталари етакчилари билан ҳам ўтказилади.

М. аловуддинов

Хоразм

Аёллар ҳар жабҳада фаол

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишида комиссиянинг таркиби тасдиқланиб, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Муяссар Раҳимова комиссия раҳбари этиб сайланди. Шунингдек, режа ва дастурлар тасдиқланди. Навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида вилоят касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ аёллар рағбатлантирилди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА, «Ishonch» мухбири

Наманган


Саволларига жавоб олишди

Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг беҳатар меҳнат қилишларини таъминлаш бош вазифалардан ҳисобланади. Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши биносида бўлиб ўтган ўқув-семинар ана шу мавзуга бағишланди. Унда вилоят корхона ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар, давлат меҳнат-техника нозирлари, бошланғич касаба уюшма кўмиталари раислари, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар ҳамда муҳандислар иштирок этди.

Ўқув-семинарда Халқаро меҳнат ташкилоти лойиҳалари ва меҳнат муҳофазасини бошқариш муаммолари бўйича халқаро меҳнат ташкилотларининг Ўзбекистондаги координатори Б.Юнусов, республика хотин-қизлар кўмитасининг масъул ходими Г.Асқарова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудири У.Одилов ва бошқаларнинг шу соҳада олиб борилаётган ишлар ва олдиди турган вазифалар бўйича маърузалари тингланди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» мухбири

Тошкент



■ Жорий йилда қишлоқ жойларида умумий майдони 507 минг кв. метр уй-жой фойдаланишга топширилади. 2009-2015 йиллар мобайнида намунавий лойиҳалар бўйича қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури ишлаб чиқилади.

Кутубхона аҳоли хизматида

Зангиота тумани «Ўртаовул» Қўрғон фуқаролар йиғинида аҳолининг турмуш маданиятини юксалтириш борасида талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

■ Умумий майдони камида 500 минг кв. метр яқка тартибдаги уй-жойларни капитал таъмирлаш учун кредит бериш ҳисобига қишлоқлар янгица қиёфа касб этади.

— Бугунги кунда, Ўртаовул қўрғон фуқаролар йиғинида 8 та маҳалла мавжуд бўлиб, турли миллат вакилларидан иборат 17372 нафар аҳоли ҳамжиҳатликда умр кечирмоқда,— дейди ҚФЙ раиси Илхом Юнусматов. — Шундан 9448 нафари доимий иш билан таъминланган.

Қишлоқнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида 16 та озиқ-овқат ва 10 та саннат моллари дўкони мунтазам ишлаб турибди. Айниқса, бир йўла 5 та кутубхонанинг мавжудлиги катта-ю кичикни хурсанд қилмоқда. У ердаги тарихий-бадий асарлар ва бошқа адабиётлар ўқувчилар онгининг шаклланишида дастуриламал бўлмоқда. Бундан ташқари, теннис корти, футбол, волейбол, баскетбол майдонлари уларнинг бўш вақтларида кўнгилли дам олишларини таъминламоқда.

Яқинда бу ерда туман ҳокими бошчилигида 10 кунлик ҳашар уюштирилди. Бошқа қишлоқ фуқаролар йиғинларидан ҳам вакиллар келиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшишди. 7 та сартароҳона, 6 та чойхона, 4 та новвойхона ва пойабзал тузатиш устахонаси, гузар, теле-радио устахонаси, фото-видео тасвир каби қулайликларга эга маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизматидан аҳоли мамнун.

Ўз мухбиримиз

Етакчи минбари

Қишлоқ меҳнаткашларига камарбастамиз

Кенгашимиз ўз атрофига 441та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Уларда 148 мингдан зиёд касаба уюшма аъзолари меҳнат қилмоқда. Бу жуда катта кучдир.

2009 йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб эълон қилиниши соҳа ходимлари зиммасига катта вазифалар ўқлади. Қишлоқ аҳолиси турмуши сифатини ошириш, уларнинг манфаатларини таъминлаш, саломатлиги муҳофазаси қилинишини яхшилаш, тиббий маданиятини ошириш, таълим-тарбия сифат даражасини кучайтириш шулар жумласидандир.

Шу боисдан ҳам жорий йилда амалга оширилган чора-тадбирларни белгилаб олдик. Вилоят кенгаши 2009-2010 йиллар учун «Тошпахтасаноат» вилоят худудий бирлашмаси, Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Тошкент вилояти Машина-трактор парклари бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Фермерлар уюшмаси Тошкент вилоят филиаллари билан келишувлар имзолади.

2009 йил учун жамоа шартномаларини тузиш ва қабул қилишида туман кенгашлари ва бошланғич касаба уюшма етакчилари билан ўқув семинарлар ташкил қилинди. Жамоа шартномаларида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг узоқ муддат фойдаланиладиган хўжалик буюмлари, уй-жой қурилиши учун қишлоқ жойларида истикомат қиладиган ходимларга фойсиз ссудалар бериш, аёлларга туғишгана ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар қунини узайтириш, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулгунга қадар қишлоқ жойларда

истикомат қиладиган оналарга моддий ёрдам кўрсатиш каби имтиёзлар бор. Қишлоқ жойларида келиб олий ўқув юртларида тахсил олаётган талабалар учун контракт (шартнома) пулларининг бир қисмини тўлаш, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига ўқув қуроллари ва дарсликлар олиб бериш, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини болалар оромгоҳларида соғломлаштириш учун йўлланмалар қийматини қоплаш ҳам кўзда тутилган. Кам таъминланган, ёлғиз, қўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун касаба уюшмаларининг стипендияларини ташкил этиш, қишлоқ аҳолисини имтиёзли йўлланмалар ажратиш орқали санаторий ва дам олиш уйларида соғломлаштириш ва бошқа бир қатор тадбирлар киритилмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида асосан ҳар бир туманда иссиқхоналар ташкил қилиниб, уларда лимон, гул, сабзавот экинлари етиштириляпти. Бу ишлар қишлоқларда аҳолини қўшимча иш билан таъминлаш, айниқса, ёшларнинг меҳнатга бўлган муносабатини яхшилаш, уларни иш билан банд қилишда жуда қўл келмоқда.

Инсон учун саломатликдан кўра катта бойлик йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2009 йилнинг 1 чоррагида меҳнаткашларга 139 та йўлланма берилди. Йил охиригача яна 284 кишини соғломлаштириш режалаштирилган.

Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгашининг раиси

Бандлик

Иш ўринлари кўпайса...

Бутун республикада бўлгани каби Тошкент вилоятида ҳам аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Жумладан, 2008 йилда

«Аҳолини иш билан таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Дастури» бўйича вилоятда жами 50253 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган бўлиб, амалда 52719 та янги иш ўринлари яратилди. Йиллик режадаги 8799 та касаначилик иш ўринлари ўрнига 8993 та иш ўринлари ташкил қилинди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастурида ҳам аҳоли бандлиги масаласига кенг ўрин берилган. Бу йил вилоятда 85 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бунинг учун кичик бизнес, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини,

касаначилик, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳамда бандликни таъминлаш бўйича вилоят ҳокимлиги ва тегишли идоралар томонидан 10-та ишчи гуруҳи ташкил этилиб, туман ва шаҳарларга бириктирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Бош бошқарма ўз иш фаолиятида жойлардаги ҳокимликлар, жамоат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмалари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйган.

2009 йил 5 мартда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Феде-

рацияси Кенгашининг топшириқларига кўра Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш Бош бошқармаси ҳамда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг Қўшма буйруғи имзоланди. Хўжатга кўра эндиликда касаба уюшмалари вакиллари нафақат бу жараёнда иштирок этадилар, балки туман ва шаҳар бўйича ташкил қилинган янги иш ўринлари тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайдилар.

Ҳикмат ИСАМУХАМЕДОВ, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш Бош бошқармаси бошлиғи



10 та қўшимча (шундан 4 таси автобус) йўналишлари очиш ҳисобига қишлоқ аҳолисига кўрсатилган автотранспорт хизматлари даражаси ва сифати оширилди.

6823 та янги касаначилик иш ўринлари ташкил этилади. Шундан 3691 киши тикувчилик, ипакчилик, қайта ишлаш, мебел саноти корхоналарида, 2233 киши ҳалқ хунармандчилигига жалб қилинади. 899 киши пудрат шартномалари бўйича уйда иш бажаради.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун барча қишлоқ туманларида ва вилоят «Маданият, маънавият ва маърифат» марказида иш ўринларининг ихтисослаштирилган ярмаркалари ўтказилади. Ва шу йўл билан касб-хунар коллежларининг йирик ва кичик корхоналар билан ўзаро узвий ҳамкорлиги таъминланади.



ВИЛОЯТИ

Ўзги соғломлаштириш

Ўтган йили вилояти-мизда жами 115 та оромгоҳ, шу жумладан, 13 та шаҳардан ташқари болалар соғломлаштириш маркази, 102 та коллеж ва мактаб қошидаги кундузги оромгоҳлар фаолият кўрсатди. Жами 24698 нафар бола дам олдирилиб, режа кўрсаткичи 100,3 фоизга бажарилди.

Тасарруфда оромгоҳлари мавжуд бўлган хўжаликлар томонидан ўтган йилда таъмирлаш, моддий базасини бойитишга жами 835 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. «Ўзметкомбинат» АИБ то-

монидан куриб фойдаланишга топширилган 360 ўринли оромгоҳ нафақат вилоятимиз, балки бошқа ви-

лоят болалари учун ҳам ҳақиқий дам олиш маскани бўлди.

Вилоят бўйича Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернат тарбияланувчиларидан 805 нафари хўжалик ҳамда қасаба уюшмаси ҳисобидан дам олдирилди. Бokuв-

чисини йўқотган, кам таъминланган оила фарзандларидан 694 нафари хўжалик органлари томонидан ва 646 нафари қасаба уюшмалари ҳисобидан ёзни мароқли ўтказ-

кенгайтирилган мажлис қарорига кўра 1000 нафар Хоразм вилояти болалари вилоятдаги 8 та энг хушманзара оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришди. Республика ишчи гу-

вилоятда «Энг яхши оромгоҳ» деб эътироф этилди.

Бу йил вилоят бўйича жами 25540 нафар болаларни дам олдиришни режалаштиряпмиз. Шундан 13740 нафари 13 та шаҳардан ташқари болалар оромгоҳларида ягона ижтимоий тўловлар маблағларидан, 11800 нафари эса коллеж ва мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда соғломлаштирилади. Мавсумга тайёрларик ишлари ҳозирдан бошлаб юборилган.

Ўйлаймизки, бу йил ҳам Ўзги мавсум кўнгул-дагидек ўтади.

ЭЪТИБОРХОН РАҲМОҶОНОВА,
Тошкент вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим бошлиғи

Мавсум кўнгулдагидек ўтади

Вилоятдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларидан 250 нафари дам олиш билан бир вақтда ўз мураббийлари билан спорт машғулотида фаол қатнашиш имконига эга бўлишди. Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг

руҳи томонидан ўтказилган тегишувлар чоғида камчиликлар қайд этилмаганлиги, 4-навбатда фаолият юритиб, жами 2008 нафар болани дам олишга қамраб олинганлиги, маънавий-маърифий ва спорт ишларини янги йўлга қўйилганлиги учун «Олмалик тоғ-металлургия комбинати» очак акциядорлик жамиятининг «Тонг» оромгоҳи

Қишлоқлар қиёфаси

Шахсий уй-жойлар

замонавий талабга мос равишда тартибга келтирилмоқда

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан қишлоқ қиёфасини сифат жиҳатдан яхшилаш, архитектура — режа асосида қурилиш бош схемаларига мувофиқ аҳоли пунктларидаги турар-жой ва ижтимоий иншоотларнинг намунавий лойиҳалар бўйича барпо этилиши юзасидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Юқоричирчиқ, Ўртачирчиқ, Охангарон туманлари ва Охангарон, Ангрэн шаҳарлари ҳудудидан ўтган «Тошкент-Олмалик» ва «Тошкент-Ўш» халқаро аҳамиятга эга автомагистрал йўли бўйида жойлашган мавжуд маиший ва маданий ҳамда ижтимоий, ишлаб чиқариш бинолари, шахсий уй-жойларнинг қиёфаси архитектуравий-замонавий талабларга мос равишда тартибга келтирилди. 94 км. масофада 50 мингдан ортиқ манзарали дарахтлар, 56 минг тупдан кўпроқ терак экилди. Бундан ташқари, «Зангиота-Янгийўл-Чиноз» ҳудудларидан ўтган магистрал автомобиль йўли ёқасида жойлашган иншоотлар таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилди.

Тошкент-Чимён йўналиши бўйича жойлашган қишлоқларнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб, 504 та уй-жойларнинг шароитлари ях-

шиланди. Уларнинг атрофида 11 минг метр девор қўтарилиб, замонавий пардозланди. 57 минг манзарали ва терак кўчатлари экилди. Аҳоли пунктларидаги мавжуд ишлаб чиқариш объекти-лари капитал таъмирланди.

100 та Қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик суви тармоқлари ва иншоотлари реконструкция қилиниши натижасида 360 минг қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Қишлоқ аҳоли пунктларида 178 мингта уйнинг газ таъминотини яхшилаш қўзда тутилган. Ангрэн шаҳрида 13,2 км. узунликдаги газ қувурлари тортилди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, янги иш ўринларини ташкил этиш, чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объекти-лари, жумладан, сартарошхоналар, ҳаммомлар, кийим, пойабзал тиқиш ва таъмирлаш корхоналари, фотосалонлар, устaxonаларни ишга тушириш масаласига ҳам тобора кўпроқ аҳамият берилмоқда.

Хамбар ТУРСУНБОВ,
вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи

■ Етақчи хорижий компанияларни жалб этган ҳолда мини технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар бўйича доимий ишлайдиган кўرғазма-савдолар ва ярмаркалар ташкил этилади.

Шаҳардагидан қолишмайди

Истиқлол йилларида вилоятимизда соғлиқни сақлаш тизимини катта ўзгаришлар рўй берди. «Саломатлик — 1», «Саломатлик — 2» дастури асосида замонавий аппаратлар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари шакллантирилиб, уларга юридик мақом берилди.

Ташхис ўз вақтида қўйилмоқда

Занги ота туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Навоий номида Қишлоқ врачлик пункти ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 6822 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. ҚВПда ЭКГ, офтальмоскоп, автоклав, сухажар шкаф, дистиллятор, лаборатория анализлари учун ФЭК, бинокляр микроскоп, кичик жарроҳлик муолажалари учун хирургик асбоб-ускуналар мавжуд. Тиббиёт ходимлари Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ва Урта тиббиёт ҳамда дориш-

нос ходимларни малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика марказларида умумий амалиёт шифокори ва ҳамшираси ихтисослиги бўйича малака оширганликлари муолажа пайтида қўл келтириш. Юқори самарали асбоб-ускуналар ёрдамида ташхис қўйиш ва даволаш ишлари ҳам ҚВПнинг ўзига амалга оширилмоқда. Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, наркомания, аср вабоси — ОИТС профилактикаси мавзуларида учрашувлар, давра су-

батлари ўтказилиб келинмоқда. ҚВПда қасаба уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган «Маънавий-маърифат бурчаги» қишлоқ аҳолига нафақат даволаниш, шунингдек, маънавий-маърифий билимлардан баҳраманд бўлиш имкониятини ҳам яратмоқда.

Анзират НОСИРОВА,
Навоий номидаги қишлоқ врачлик пункти шифокори

■ Қўшақифани «Ishonch» муҳбири Неймат РАФИҚОВ тайёрлади

Мушоҳада

Имкониятлардан тўла фойдаланиш — давр талаби

Истиқлол Ўзбекистонни дунёга олиб чиқди. Бугун Ер кўррасида юз бераётган барча ўзгаришлар, муносиб ҳаёт учун кураш ва бу йўлда ҳар қачонгидан ғайрат-шижоат кўрсатиш, энг муҳими, озод ва обод юртинг асосий таянчи бўлиши ёшлар тарбиясига янада кўпроқ эътибор бериб, улардан ҳар қандай вазиятда саросимага тушиб қолмайдиган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш давр талабидир. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масалага глобал муаммо сифатида қараб келинаётгани ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ. Шунинг баробарида таълим соҳасидаги ўзгаришларга мутаносиб равишда янгича фикрлайдиган педагогларни тайёрлаш ва уларнинг сифат даражаси юксак бўлишига эришиш тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Мутахассисларнинг янги авлодини шакллантириш кўп жиҳатдан олий ўқув юртида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг малака ва маҳоратига боғлиқ. Бунинг натижаси ўлароқ чуқур билимга эга, заковатли, юксак маданиятга ва албатта, ўзгариб туривчи ижтимоий-иқтисодий муҳитда ҳам ўзлигини йўқотмайдиган кадрлар вояга етади.

Педагог бўлажак мутахассисни ўқув предмети, педагогик фаолияти, шахсий потенциалдан келиб чиққан ҳолда шакллантиради. Яъни, педагогнинг психологик-педагогик тайёрлиги мақсадли характерга эга бўлиб, у, айван даражадаги билимларнинг таркиби ва мазмунига боғлиқ. Қолаверса, шу тарихга ўзига хос йўналиши билан таъбир этиш доирасини кенгайтири бориши мумкин.

Замонавий педагогик-малакавий амалиётда ёш мутахассис кадрларни тайёрлашда янги инфор-мацион технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ва бу катта самара беради, албатта. Лекин шунга қарамай, замонавий технологиялар, хусусан, компютерлардан камдан-кам ҳолатда кадрларни тайёрлаш ва машғулотлар ўтказишда фойдаланилади. Улар то хануз, кўпича қай-этиб келинаётгандек, универсал, қулай «ёзув машин-ка»си сифатида қўлланмоқда. Бунга, аслини олганда, самарали фойдаланиш йўллари тўлиқ жорий этилмаганлиги ҳам сабабдир.

Бўлажак мутахассис сифатида эктиёжлар, қизиқишлар, кадриятлар, дунёқараш шаклланишидан хулоса чиқариб, мушоҳада юритадиган бўлсак, давр талабига айланган янги технологияларнинг барча жабҳаларда, хусусан, таълим соҳасида қўллангани янада кенгайтириш лозимлиги равшанлашади. Чунки билимининг ози бўлади, кўпи бўлмайди. Малака, кўникма, ҳар томонлама интеллектуал қизиқишлар, доимо янгиликлардан боҳабар бўлиш ҳеч кимга ҳеч қачон зарар қилмайди, аксинча, фақат фойда келтиради.

Юлдуз РИСКУЛЛАЕВА,
ТДИУнинг Ахборот технологиялари ва менежменти факултети 4-босқич талабаси



■ Хомийлик маблағлари ва бандликка кўмаклашиш жамғармасининг имтиёзли кредитлари ҳисобига вилоятнинг ҳар бир туманида камидан 50 та кам таъминланган оилага 1 бошдан қорамол берилиб, 645 нафар киши иш билан таъминланади.

Замонавий рақамли станциялар

қишлоқ меҳнатқашлари хизматида

Ўз таркибига 18 та туман телекоммуникация боғламаларини бирлаштирган «Тошкент-телеком» филиали ўтган йили мижозларга сифатли телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этди. Натижада, хозирги кунга қадар туман, шаҳар марказларидаги техник жиҳатдан эскирган телефон станциялари замонавий рақамли коммутиция станцияларига алмаштирилди. Шу билан бирга «Ўзбектелеком» АК ҳамда Хитой Халқ Республикасининг «ЗТЕ» корпорацияси ўртасида имзоланган шартнома доирасида Бўстонлик туманидаги Озодбош, Товоқсой, Искандар, Бурчмулла ва Сижжак аҳоли масканларида рақамли телефон станциялари ишга туширилди. Бўстонлик туманидаги географик жиҳатидан ноқулай жойлашган Нанай, Бурчмулла, Сижжак ва Чимён аҳоли масканларига ўрнатилган рақамли станцияларнинг марказий станция билан улашини таъминлаш учун станциялараро боғловчи линиялар радиоре-ле қурилмалари асосида жиҳозланди. Шундай янгиликлар вилоятнинг барча туманларида амалга оширилмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «Тошкент-телеком» филиали ва Тошкент вилояти алоқа ходимлари Бирлашган қасаба уюшма кўмитаси ўртасидаги ижтимоий шерикчилик ўз самарасини бермоқда. Ҳар олти ойда жамоа шартномаларининг бажарилиши барча телекоммуникация боғламаларида атрофича муҳокама этилиб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш чоралари қўрилди. Соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Хозирги кунга келиб 20 дан ортиқ хусусий тадбиркорлар соҳа ривожига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар. Уларнинг 10 дан ортиғи қасаба уюшмаларига жалб этилди.

Вилоятимизда почта алоқаси хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун кўча почта алоқаси бўлимлари ташкил этилиши режалаштирилган. Пул жўнатмаларининг электрон усули бўйича жўнатиш амалга оширилиши ҳам аҳолига қулайлик туғдирмоқда.

Юнус ҒОҒУРОВ,
вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшма кўмитаси раиси



■ Мамлакатимизга кириб келган Наврўз шуқуҳи ҳар бир гўшага олам-олам қувонч, баҳти бутунлик бахш этмоқда.

Катта Наврўз боғда айёми

Куни кеча пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Катта боғ маҳалласида янгиликлар, пок-ланиш айёми — Наврўзи оламга бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Дошқозонларда баҳорий тансиқ таом — ҳалим тайёрлаш жараёнида маҳал-ланинг каттаю кичиги бирлашди. Пазанда уй бекалари томонидан тайёрланган кўк сомсаю чучваралар, турли ширинликлар дастурхонга торти-либ, маҳалла аҳли бир пиёла чой устида ширин суҳбат қурдилар.

— Катта боғ маҳалласи бой маънавий-маърифий тарихга эга, — деди маҳалла фуқаролар йи-гини диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Хуррият Мирсолиҳова. — Маҳалламиздан қўпбал та-ниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар втнинг чиқ-қанлар. Бугунги кунда уларнинг меросини ёшларга етказиш, ўғил-қизларимизни миллий қадриятлар, она Ватанга садоқат руҳида тарбия-лаш йўлида кўпни кўрган отахон ва онахон-

ларимизнинг тажрибала-рига суянкамиз. Бугун ҳам табарруқ отахону онахонларимиз давраимиз турлида хурматда, ёшларимиз хизматда бўлди-лар. Ўзбекистон биргина мана шу удумнинг ўзбек маънавий-ахлоқий тарби-янинг бир қўрнини де-сак, муболақа бўлмайди. Тадбирда маҳалланинг хотин-қизлар кўмитаси раиси Тўхтахон Отамур-дова йиғилганларга Тош-кентнинг 2200 йиллик та-рихи ҳақида қизиқарли ҳикояларни сўзлаб берди.

— Катта боғ маҳалласи-да Наврўз айёмини бирга-ликада, ҳамжиҳатликда ни-шонлаш яхши анъанага айланган, — дейди маҳал-ла фуқаролар йиғини ра-иси Абдуманноп ака Ғаф-форов. — Бундай тадбир-лар кишиларни янада жипслантириб, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкам-лайди. Одамлар нигоҳида-ги шодлик ва шукрона-ликни кўриб, диллар яй-райди. Санъаткорлар ижро этган қўшиқлар байрам тадбири-га янада файз бағишлади.

Муҳаббат УРМОНБОВА



Ўзбекистон Маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда Уртачирчиқ тумани «Кум овул» маҳалласида умумхалқ байрами Наврўзга бағишланган тадбир ўтказди.

Газетхон илҳомин Бахорим

Қалдирғочлар қайти, шўх булбуллар ҳам, Тағни сепин ёйди атрофга қўллар, Қўларини йўлнинг дилимда алам, Айт, ҳақон қайтасан, меннинг баҳорим, Сенсиз қандай қўйлар қўлимда торим.

Жилгала қўшигин бошлади яна, Юрда Наврўз кезар — зўр шодийна. Савги тугилмоқда боғларда, ана, Айт, ҳақон қайтасан, меннинг баҳорим, Сенсиз қандай қўйлар қўлимда торим.

Келгин, ташна қўнглим сенга интизор, Интиқ бўлиб кутар чорбоғу-гулзор, Соғинча ёйди жон кел, эркам, кулиб, Айт, ҳақон қайтасан, меннинг баҳорим, Сенсиз қандай қўйлар қўлимда торим.

Омон сени кутар кўзи тўрт бўлиб, Рағи сарки гулдай сарғайиб, сўйиб, Соғинча ёйди жон кел, эркам, кулиб, Айт, ҳақон қайтасан, меннинг баҳорим, Сенсиз қандай қўйлар қўлимда торим.

Омон АБУЛЛА, Шофиркон тумани

Ҳар гўшада байрам шукуҳи

Унда вилоятнинг туман, шаҳарларида фаолият олиб бораётган маданият уйлари ходимлари, вилоят фольклор-этнография жамоалари вакиллари, шунингдек, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ногирон фарзандлари бор оналар иштирок этишди.

— Байрам баҳона соҳада меҳнат қилаётган ҳамда кўп йиллардан буён маданият ва спорт ривожига ҳисса қўшган ходимлар ишини муносиб баҳолаш, уларнинг мароқли ҳордиқ чиқаришини ташкиллаштиришни ният қилганидек, — дейди Марказий Кенгашнинг Тошкент

вилояти бўйича вакили Қодир Амиржонов. — Бир гуруҳ ходимларга байрам совғаси сифатида пойтахтимиздаги «Турон» сихатгоҳи, вилоятдаги «Сўхок» дам олиш уйига бепул ва имтиёзли йўлланмалар бердик.

Тадбирда янграган дилрабо қўшиқлар, санъаткорларнинг чиқишлари йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

Орзугул РУСТАМОВА, «Ishonch» муҳбири Иқром ХАСАНОВ олган суратлар

Гўзал ахлоқ — инсон зийнати



Одамлар! Энг аввало, эзгу ахлоққа эга бўлишга ҳаракат қилинг, зеро, ахлоқ қонуннинг асосидир. ПИФАГОР

Нафосат олами

Ахлоқ сўзи арабча бўлиб, ўзаги хулқдир. У ижтимоий онгнинг муайян шакли сифатида кишиларнинг юриш-туришлари, уларнинг жамият олдига бурчи, масъулияти, ижтимоий меҳнатга муносабатлари сингари ҳаракатларини тартибга солувчи меъёрий қоидалар йиғиндисида иборат.

Жамият ҳаётида ахлоқ кишининг маънавий киёфасини, унинг инсонийлик даражасини белгилашнинг муҳим меъёри бўлиб юзага чиқади. Илм инсоннинг эҳқини ўқитишга, ахлоқийлик унинг дилини равшанлаштиради. Инсондаги яхши хулқлар, ахлоқий фазилатлар руҳ ва нафс тарбиясининг натижаси, дейилади манбаларда. Шайх Бахавуддин Накшбанд: «Адаб — хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир. Адабни сақлаш — муҳаббат самараси, яна муҳаббат уруғи ҳамдир», деб бежиз айтмаган. Шунинг учун ҳудудлик, ахлоқий бузуқлик инсонийликка зид бўлган иллатлар сифатида қораланади.

Гўзал ахлоқ яхши фазилат ва баркамоллик ифодаси бўлиб, бундай ахлоқ соҳибининг фазилатлари жамиятдаги бошқа одамларга ўрнак вазифасини ўтади. Ҳазрат Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асарига: «Одобли инсон барча одамларнинг яхшиликдир ва барча халқлар учун ёқимлидир», дейди. Бу билан мутафаккир инсондаги одамийлик ва ахлоқийлик хислатларини улугълайди.

Миллат ҳам гўзал ахлоқлари, яхши фазилатлари туфайли юксалади ва бунинг акси ўлароқ, ахлоқи бузилган миллат инқирозга учрайди, тубанлашади. Ҳар бир миллатнинг соғломлиги ва қудрати унинг ахлоқий соғломлигидан кўринади.

Ахлоқсизлик тарбиясизликдан келиб чиқади. Хитой файласуфи Сюн-Цзи: «Чақалоқлар ҳамма ерда бир хил йиғлашади. Катта бўлганда эса турли қилиқлар қилишади. Бу — тарбиянинг оқибати», деб таъкидлаган.

Одатда, қулғи яхши эшитмайдиганларга баланд овозда гапирилади. Бу — табиий ва айнан шунинг учун ҳам ҳеч кимга малол келмайди. Афсуски, кейинги пайтда бақариб гапириб салкам мода тусига кирди. Жамоат жойларда кишиларнинг бир-бирига қўпол муомалада бўлиши, секин ташуутириш мумкин бўлган ҳолларда ҳам зарда қилиши, сўқиниши, ҳақоратлаш, ҳатто устидан қулиши, қуёшқондан чиқиб «хо-холош» ҳолатлари кўп кузатилаётган. Ваҳоланки, охишта гапириб, ёмон сўзлардан тийилиш, мулоийм муомалада бўлиш кишига эстетик завқ беришини, кайфиятини кўтаришини, маънавий дам олдиришини фан аллаҳачон исботлаб қўйган.

Улдона АБДУРАҲМОНОВА, УзМУ магистранти



Ўйингоҳда учрашамиз...

Ноумид — шайтон дейдилар. Гарчи миллий терма жамоамиз тўрт ўйиндан бор-йўғи 1 очко жамғарган бўлса-да, ашаддий муҳлисдор хали ҳам мўъжиза юз беришига ишонилмоқда.

Миржало Қосимов шогирдлари бугун «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ҳаммаси учун қатарлик футболчиларни енга оладиларми? Боши эгик муҳлисдорнинг қадди кўтариладими? ЖАР билан ўртимизда турган жар тораядими?!

Бизнингча, ҳа! Демак, бугун барчаси биз учун хайрли яқунлинига ишонч билан терма жамоамизни қўллаб-қувватлаймиз.

Ҳурматли юртдошлар ва тадбиркорлар!

2009 йил 14 апрел куни соат 11.00 да «Жиззах кўчаси мулк» МЧЖ томонидан (Жиззах ш., Ш.Рашидов шох кўчаси, 14) объект бошланғич баҳосининг босқичма-босқич охири бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига Жиззах вилоят Ҳўжалик судининг 13-0807/4052-сонли иш бўйича 25.06.2008 йилдаги хал қилув қарорига асосан банкот деб эътироф этилган, умумий ер майдони 1,01 га бўлган, Жиззах вилояти Пахтакор тумани «Пахтакор» СФУ ҳудудига жойлашган «112-сон автотранспорт қорхонаси» МЧЖнинг 37 бирликдаги мол-мулкларига мажмуи сифатида 49.705.000 сўмлик бошланғич нарх билан қўйилади. Мажмуага жамиятнинг бино-ишоотлари, асбоб-ускуналари, автотранспорт воситалари ва тиркамалари, инвентарлар киритилган.

1. Идора биноси, қурилиш ости майдони 311,22 м² — бошланғич баҳоси 23.749.000 сўм; 2. ЦРМ биноси, қурилиш ости майдони 1018,50 м² (қоравулхона, атраф девор, дарвоза билан биргаликда) — бошланғич баҳоси 42.562.000 сўм; 3. МР (омборхона) биноси, қурилиш остидаги ер майдони 324 м² — бошланғич баҳоси 9.253.000 сўм. Иккала эълон бўйича ҳам талабдорлардан арза эълон чоп этилган кундан бошлаб олинди ва аукцион савдоси ўтказилишига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини Савдо ташкилотчиси («Жиззах кўчаси мулк» МЧЖ)нинг ҳисоб рақамига, тузилган «Закалат пули тўғрисидаги Келишув»га асосан тўлашлари лозим. Савдо голиби объектнинг тўлиқ қўяматини савдо натижалари тўғрисида якуний баённомага ва белгиланган тартибда Сотувчи билан тузиладиган олди-сотди шартномасига асосан тўлаб беради. Бундан ташқари, «Абай» МЧЖ МТП туғатиш (суд) бошқаруви томонидан объектларни сотиб олган хариддорларга янги ишчи уринлари ташкил этиш, инвестиция қилиш ва объектларни бузмасдан, белгиланган тартибда фаолият кўрсатишини таъминлаш шарт (мажбурият)лари қўйилади.

Маълумотлар учун манзил: Жиззах вилояти Жиззах шаҳри Ш.Рашидов шох кўчаси, 14 (вилоят касаба уюшма ташкилотлари Кенгаши биноси, 3-қават). Телефонлар: (+99 890) 265-20-25 ёки (+99 890) 168-59-32

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!


Ўзбекистон Аграрно-мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда АСМ ходимлари касаба уюшмаси Қорақалғистон Республикаси кенгаши жамоаси Марказий кенгашининг Мўйноқ туманидаги вакили Имоматдин Мусаевага онаси ШАСАНЕМ аянинг вафот этганини муносабати билан таъзия билдиради.

Фарғона вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, тармоқ касаба уюшма вилоят кенгашлари ва Марказий кенгашининг вилоят бўйича вакилликлари жамоалари бирлашма кенгашининг бўлим мудирини М.Ярбековага падари бузруквори ХАМДАМ отанинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.



Сирдарёда май ойида бўлиб ўтадиган республика спорт байрамига тайёргарлик қандай кетаяпти?

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг навбатдаги спорт байрами Сирдарё вилоятида бўлиб ўтади. Бу шараф, айни вақтда катта масъулият ҳамдир.



— Мустақиллик йилларида, — дейди Халқ таълими вазирилик хузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилоят бўлими раиси Норбобо Соатов, — ҳар бир шаҳар ва туманда замонавий болалар спортини иншоотлари қурилди ва фойдаланишга топширилди. Фарзандларимиз учун камолот пиллапоаялари бўйлаб юксалиш имконияти яратилди.

«Умид ниҳоллари — 2009» га тайёргарлик жараёнида кад ростлаган иншоотлар кишини хайратга соймай қўймайди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан уларни тиклаш мақсадида салкам 4 миллиард 200 миллион сўм сарфланди. Маълумотларга қараганда, шундан 2 миллиард 176 миллион 800 минг сўм болалар спортини мажмуаларини қуришда ишлатилди. Гулистон шаҳридаги марказий ўйингоҳ ва маданият саройи бирлаштирилиб, ягона спорт мажмуасига айлантирилди.

Энг муҳими, ушбу тадбир муносабати билан вилоят маркази ва қатор туманлардаги умумтаълим мактабларида спорт заллари тикланди ва фойдаланишга топширилди. Гулистон шаҳридаги 16- Сайхунбод туманидаги 28-шунингдек, Бобўт, Гулистон, Оқолтин, Сирдарё ва Ховос туманларидаги кишлоқ мактабларида қурилган замонавий спорт заллари шулар жумласидандир. Табиийки, «Умид ниҳоллари — 2009» тадбириги спорт билан фаол шўғулланувчилар сони ортишига ҳам сабаб бўлди. Маълумотларга кўра шундай ўқувчилар сони 15 минг 435 нафардан ошиб кетди. Улардан 3927 нафари ёки 15 фоизи кишлоқ мактабларида таълим

олаётган қизлар эканлиги таҳсинга лойиқ. — Ёшларимиз бундай ғамхўрликка жавобан муносиб ютуқларни қўлга киритишга бундан беш қувонтиради, — дейди Норбобо Соатов. — Сирдарёлик ёш спортчилар Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Чирчиқ шаҳарларида ўтказилган нуфузли мусобақаларда фахрли ўринлар ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан қайтишди.

Айни кунда вилоят мактабларида жисмоний тарбия бўйича 546 нафар тажрибали ўқитувчи фаолият кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, 14 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 2 та спорт мажмуасида 291 нафар мураббий болаларнинг жисмон бақувват бўлиб ўргатишлари учун ҳаракат қилмоқдалар. «Умид ниҳоллари-2009»нинг вилоят босқичи яқунлари ушбу йўналишда муайян ютуқларга эришилганлигини тасдиқлади. Мусобақаларнинг туман ва шаҳар босқичларида 64,5 минг нафардан зиёд ўқувчи қатнашди.

Барча тадбирлар тасдиқланган ҳавадал ва қатъий назорат остида адо этилмоқда. Педагогика колле-



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdusolix Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA,

Mirzohira SODIQOV,

Normamat AIIAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,

Oysuluv NAFASOVA,

Pirimqul QODIROV,

Sog'indiq NIYETULLAYEV,

Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov

Navbatchi:

A. Abdiyev

Musahhih:

N.Maxamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriliv va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdullayev va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta format usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soltuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtasidan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 22.40

Buyurtma G — 214

20767 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 5 6